

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Балиқчи тумани ҳокимининг рақамлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича масъул ходими

Рохмонов Наробек Рохматиллоевич

2026 йил "14" сентябр

ХИЗМАТ РЕГЛАМЕНТИ

"(74) 323-10-00" ишонч телефони орқали келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш

1. Хизмат паспорти

1.1. Хизмат номи

Ишонч телефони орқали Балиқчи тумани ҳокимлигига келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш.

1.2. Хизмат натижаси

Мурожаатни кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарорлар мурожаат этувчига оғзаки ёки белгиланган тартибда ёзма равишда етказилади.

1.3. Хизмат кўрсатувчи орган

Балиқчи тумани ҳокимлиги.

1.4. Қонуний асос

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда мурожаатлар билан ишлашга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари.

1.6. Сўров юбориш муддати

Муддат белгиланмаган.

1.7. Бажариш муддати

Мурожаатлар қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

1.8. Кўриб чиқиш муддати

15 иш кунидан 30 кунгача.

2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Тақдим этиладиган маълумотлар

- ҳокимлик манзили;
- иш вақти;
- қабул кунлари;
- мурожаат қилиш тартиби;
- мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари.

2.2. Сўров бўйича маълумот бериш

Шахсан, телефон орқали, электрон почта орқали ва ёзма шаклда амалга оширилади.

2.3. Хизмат кўрсатувчи орган манзили

Манзил: 170300, Балиқчи тумани, Балиқчи шаҳарчаси, Шох кўчаси, 32-уй.

Телефон: (+998 74) 323-10-00

Электрон почта: qabulhona@andijan.uz

3. Хизмат кўрсатиш тартиби

3.1. Иш вақти

Душанба – жума кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача.

Тушлик вақти: 13:00 дан 14:00 гача.

3.2. Телефон мурожаатларини қабул қилиш

Иш кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача.

4. Хизмат кўрсатиш жараёни

4.1. Керакли хужжатлар

Шахсни тасдиқловчи маълумотлар.

4.2. Хизмат нархи

Хизмат бепул кўрсатилади.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

- мурожаатни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;
- масъул ижрочини белгилаш;
- мурожаатни кўриб чиқиш;
- ижросини назорат қилиш;
- мурожаат этувчига жавоб тақдим этиш.

4.4. Рад этиш асослари

Аноним мурожаатлар ёки қонунчилик талабларига зид равишда тақдим этилган мурожаатлар кўриб чиқилмайди.

5. Сифатни таъминлаш

5.1. Сифат кўрсаткичлари

- мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш;
- асосли ва тўлиқ жавоб бериш;
- такрорий мурожаатларнинг камайиши.

5.2. Шикоят қилиш тартиби

Мурожаат этувчи берилган жавобдан норози бўлган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиши мумкин.